



№ 94/20-II

2020 yil « 26 » ноябрь

Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан Учтепа туманидаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 28 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 69-сонли баёнидаги берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш, ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа туманидаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори С.Эгамовнинг Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан Учтепа туманидаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисидаги ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг депутатлари, кенг жамоатчилик ҳамда ота-оналарнинг барча санитария-эпидемиология талабларини инобатга олган ҳолда туман Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати тўлиқ равишда анъанавий шаклда **2020 йил 30 ноябрь** санасидан янги 2020/2021 ўқув йилини туман СЭОМ хулосасига кўра очилишига рухсат берилсин.

3. Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори С.Эгамовга:

- ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати очилишидан аввал санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланган тартибда мактаб ҳудуди ва барча хоналарни дезинфекцияловчи воситалар билан зарарсизлантириш ва контакtsiz пирометр воситалари билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек уларнинг захирасини шакллантириш чоралари кўрилсин;

- санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилмаганлиги аниқланган тақдирда ўқув жараёнларини вақтинча тўхтатиш чоралари кўрилсин.

4. Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига маълумот учун юборилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши раис ўринбосари**



С.Имамов

№ 95/20 - II2020 yil « 26 » ноябрь

Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан Учтепа туманидаги Республика ихтисослаштирилган дизайн мактабининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 28 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 69-сонли баёнидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича муҳим вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа тумандаги РИДМ директори М.Салахиддиновнинг Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан Учтепа туманидаги Республика ихтисослаштирилган дизайн мактабининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутатлари, кенг жамоатчилик ҳамда ота-оналарнинг барча санитария-эпидемиология талабларини инобатга олган ҳолда туманидаги Республика ихтисослаштирилган дизайн мактабининг юқори синфларига 30 ноябрь санасидан янги 2020/2021 ўқув йили жараёнларини босқичма-босқич тиклашга рухсат берилсин.

3. 2020/2021 ўқув йили бошланиши муносабати билан пандемия шароитида Республика ихтисослаштирилган дизайн мактабида санитария-эпидемиология хизматининг асосий талаблари этиб қуйидагилар белгилансин:

- ҳар куни тиббий ёки масъул ходимлар томонидан ўқувчилар ва мактаб ходимларининг тана ҳароратини контактсиз пирометр ёрдамида ўлчаш;

- барча ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ва конуний вакиллари таълим муассасасига тиббий ниқобларда келишини назорат қилиш;

- дарслар махсус жиҳозланган синфларда ташкил этилиши лозим

бўлган фанлар (*жисмоний тарбия, тасвирий санъат, технология фанлари ва бошқа*)дан ташқари мактабда дарс машғулоти хонадан-хонага кўчмаган ҳолда “синф системасида” ўтказиш, яъни ҳар бир синф битта хонада масофа сақлаган ҳолда жойлаштирилиши ва ўқиши таъминлансин.

4. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Мирзаев ва Учтепа тумандаги РИДМ директори М.Салахиддиновга:

- ишчи ходимлар томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатилсин.

- санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилмаганлиги аниқланган тақдирда ўқув жараёнларини вақтинча тўхтатиш чоралари кўрилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши раис ўринбосари**



С.Имамов

№ 96/20-II2020 yil « 26 » ноябр**Туман мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини босқичма-
босқич тиклаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги “Мактабгача таълим ташкилотларда янги ўқув йилини сентябр ойидан анъанавий ва масофавий шаклда босқичма-босқич бошлаш тўғрисида”ги 133-сон буйруғи билан эпидемиологик вазият ва шароитдан келиб чиқиб, мактабгача таълим муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан берилган тавсиялари асосида, туман аҳолининг билдирилган таклиф ва фикрларни инобатга олган ҳолда ҳамда туман санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази томонидан тасдиқланган хулосасига асосан халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман мактабгача таълим бўлими мудири Н.Хантураеванинг “Туман мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини босқичма-босқич тиклаш тўғрисида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинди.

2. Туман санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази томонидан ижобий тарзда берилган хулосасига асосан, тумандаги Мактабгача таълим ташкилотида янги 2020-2021 ўқув йилини тиббий ва санитария-эпидемиология талабларига риоя этган ҳолда **5, 178, 244, 328, 334, 338, 365, 386, 387, 388, 397, 404, 409, 453, 490, 505, 540, 601, 186, 217, 340, 361, 431, 450, 465, 492, 604, 603** ва **393-сонли** мактабгача таълим ташкилотларида босқичма-босқич очилиши учун рухсат берилсин.

3. Туман сектор раҳбарлари, туман санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази бош шифокори (А.Хасанов), туман мактабгача таълим бўлими (Н.Хантураева)га:

ҳар куни тиббиёт ёки масъул ходимлар томонидан тарбияланувчилар ва ташкилот ходимларининг тана ҳароратини контактсиз пирометр ёрдамида ўлчаш;

барча тарбияланувчилар ва уларнинг ота оналари ва қонуний вакиллари ташкилотга тиббий ниқобда келишини назорат қилиш;

COVID-19 белгилари бўлган тарбияланувчилар, ушбу белгилар аниқланган вақтдан бошлаб тез тиббий гуруҳи ёки ўқувчиларнинг ота-оналари (қонуний вакиллари) келгунга қадар зудлик билан изоляция қилиш чоралари кўрилсин;

пандемия даврида ташкилотда оммавий тадбирлар ўтказилиши вақтинча тўхтатилсин;

пандемия даврида ташкилотда ошхона фаолияти аутсорсинг усулида иш фаолияти олиб борилсин;

бунда, коронавирус пандемиясининг олдини олиш чора-тадбирлари, сув таъминоти ва ҳожатхоналар фаолияти, дезинфекция жараёнлари тўғри ташкил этилишига алоҳида эътибор берилсин.

4. Туман сектор раҳбарлари, туман санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази бош шифокори (А.Хасанов), туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори (Н.Саидова), туман мактабгача таълим бўлими бошлиғи (Н.Хантураева)ларга:

Коронавирус пандемияси шароитида эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, мактабгача таълим ташкилотларда ўқув йилига муносиб тайёргарлик кўриш ва ўқув йилини анъанавий ва масофавий шаклда юқори савияда ташкил этиш, тарбияланувчилар соғлиғи, уларнинг тизимли равишда машғулотларда қатнашиши бўйича шахсан жавобгар эканлиги инобатга олинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимининг ўринбосари (Б.Мирзаев) зиммаларига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши раис ўринбосари**



С.Имамов